

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УЗБЕКОВ РУСТАМ КАМИЛОВИЧ**

**АТИПИК ШАКЛДАГИ БИРЛАМЧИ ГИПЕРПАРАТИРЕОЗНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Узбеков Рустам Камирович**

Атипик шаклдаги бирламчи гиперпаратиреозни таъхислаш ва даволаш..... 3

**Узбеков Рустам Камирович**

Диагностика и хирургическое лечение атипичных форм первичного гиперпаратиреоза..... 21

**Uzbekov Rustam Kamilovich**

Diagnosis and surgical treatment of atypical forms of primary hyperparathyroidism..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УЗБЕКОВ РУСТАМ КАМИЛОВИЧ**

**АТИПИК ШАКЛДАГИ БИРЛАМЧИ ГИПЕРПАРАТИРЕОЗНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1142 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

<b>Сайдиганихужа Ибрагимович Исмаилов</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
---

**Расмий оппонентлар:**

**Шагазатова Барно Хабибуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эшонходжаев Отабек Джураевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 56. Тел/факс: (+99871) 2622702, e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 56уй. Тел/факс: (+99871) 2622702, e-mail: \_\_\_\_\_).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Ю.Халимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.А. Мирсаидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари буйича  
фалсафа доктори(PhD)

**Г.А.Алимухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бирламчи гиперпаратироидизм (БГПТ) энг кенг тарқалган эндокрин касалликларидан бири бўлиб, қандли диабет ва қалқонсимон без касалликларидан кейин учинчи ўринда туради. Бирламчи гиперпаратироидизм катталар орасида тахминан 1%ни ташкил қилади. Сўнгги беш ўн йилликда дунёнинг бир қанча минтақаларида БГПТнинг клиник кўриниши ўзгарди. 1970 йиллардан бошлаб БГПТ скрининг текширувининг ривожланиши туфайли симптомсиз босқичда ташхис қўйиш одатий ҳолга айланди. БГПТнинг симптомли босқичидан симптомсиз босқичига клиник эволюцияси асосан АҚШ ва Европада пайдо бўлган, ҳатто бошқа мамлакатларда ҳам бу ўзгариш яқинда содир бўлди. Амалиёт шифокорлари дуч келадиган нохуш саволлардан бири бу касаллик симптомсиз кечадиган беморда нишон аъзоларнинг шикастланиш белгилари бор-йўқлигидир. БГПТ учун анъанавий операция - бу тўртта қалқон олди безини ревизияси билан Кохер кўндаланг кириш йўли орқали паратироидектомиядир. Сўнгги йигирма йил ичида очик минимал инвазив паратироидектомия ва эндоскопик операциялар ишлаб чиқилган. БГПТ билан оғриган беморларни даволашнинг мавжуд натижаларига қарамай, клиник амалиётда ташхисот ва даволаш билан боғлиқ кўплаб очик саволлар мавжуд. Шу муносабат билан ушбу патологияни ташхислаш ва даволашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда БГПТни даволаш самарадорлигини аниқ мезонлари асосида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хавф гуруҳларидаги ҳолатлар кейинчалик классик БГПТга айланадиган дастлабки босқичларни аниқлаш, қонда калций миқдори юқори бўлган беморларни текшириш заруриятини белгилаб бериш, БГПТ билан оғриган беморларнинг миллий когортидаги турли текширув усулларининг ташхисий қийматини баҳолаш, қўлланиладиган усуллар самарадорлигининг қўшимча мезонларини ва касалликнинг салбий оқибатлари учун хавф омилларини аниқлаш, ўлимга олиб келадиган ва ўлимга олиб келмайдиган асоратлар, БГПТ билан касалланиш, ўлим ҳолатлари ҳақида янги маълумотларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, сурункали касалликларнинг аҳоли орасида тарқалишини камайтириш ва профилактикасига қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, бирламчи гиперпаратироидизмнинг атипик шакллари ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5214-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 27 январдаги “Эндокринологик хизматни такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** БГПТ клиник кўринишлари сўнгги 40 йил ичида ўзгарди ва ҳозирда симптомсиз босқичда ташхис қўйилади (Silverberg S.J., Clarke V.L., 2014). Паратироидектомия (ПТЭ) касалликнинг ягона даволаш усули ҳисобланади. Бу симптомли бирламчи гиперпаратиреоз билан оғриган беморларга кўрсатма бўлиб ҳисобланади ва жарроҳликка кўрсатмаси мавжуд беморлар учун тавсия этилади. ПТЭ шунингдек, жарроҳликка курсатмаси бўлмаса ва қарши кўрсатмаси бўлмаса, жарроҳлик амалиётига мурожаат қилганлар учун оқилона вариант бўлиб ҳисобланади (Bilezikian J.P., Brandi M.L., Eastell R., 2014). Сўнгги ўн йил ичида тиббий менежментда ҳам ютуқлар пайдо бўлди. Жарроҳлик амалиётини бажаришнинг имкони бўлмаганда ёки бу усулни истамаган шахслар учун скелетни ҳимоя қилиш ва қон зардобадаги калций миқдорини камайтириш учун даволашга бўлган қимматли ёндашув усуллари мавжуд (Khan A.A., 2013). БГПТ бошқарилишига оид ёндашувлар 2016 йилда канадалик муаллифлар (Khan A.A., Hanley D.A., O'Brien C.J., 2003) томонидан янгиланди.

Ўзбекистонда БГПТ билан оғриган беморларда ташхисот ва даволаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар академик Ё.Х. Турақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилмоқда, бироқ, бирламчи гиперпаратиреоз ташхисоти ва унинг шакллари фарқлаш жуда яхши ишлаб чиқилган бўлса, унда даволашга доир муаммолар ҳали ҳам очик қолмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

БГПТ билан оғриган беморларни бошқаришнинг умумий қабул қилинган халқаро протоколларига қарамай, касалликнинг бир қатор хусусиятлари, яъни касаллик кечишининг атипик ҳолатлари мавжуд. Юқорида келтирилган маълумотлар ушбу йўналишдаги тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Академик Ё.Х.Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** БГПТнинг атипик шакллари ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бирламчи гиперпаратиреоз турли шакллари билан оғриган беморларда касалликни клиник кечиши, биокимевий ва гормонал курсаткичларни хусусиятини баҳолаш;

Бирламчи гиперпаратиреоз турли шакллари диагностика натижаларини қиёсий аспектда баҳолаш;

Бирламчи гиперпаратиреознинг турли шаклларида суяк метаболизми курсаткичларини урганиш;

Бирламчи гиперпаратиреоз турли шакллари хирургик йул билан даволашнинг узок ва яқин муддатли натижаларини урганиш;

Бирламчи гиперпаратиреоз турли шакллари билан оғриган беморларга босқичма босқич ердан курсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2005-2022 йил давомида академик Ё.Х. Турақулов номидаги РИЭИАТМнинг эндокрин жарроҳлик бўлимида БГПТ, кўп ва эктопияланган қалқон олди беши аденомалари билан даволанган 225 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида БГПТнинг турли шакллари клиник белгилари, умумий кальций, Са<sup>++</sup>, ишқорий фосфатаза, вит Д<sub>3</sub>, Beta-Cross Laps, ишқорий фосфатаза, фосфор, албумин ва БГПТнинг бошқа кўрсаткичлари, консерватив ва жарроҳлик даволаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник, биокимевий (умумий калций, Са<sup>++</sup>, фосфор, ишқорий фосфатаза, креатинин, коптокча филтрация тезлиги ва бошқалар), гормонал (вит Д<sub>3</sub>, паратгормон, Beta-Cross Laps ва бошқалар), инструментал (ультратовуш, қалқон олди беши синтиграфияси, СПЕКТ/СТ) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагидан иборат:

бирламчи гиперпаратиреоз билан касалланишнинг башорат қилинганга нисбатан 100 минг аҳолига ҳақиқий паст даражаси (0,18) аниқланган, бу эса юқори хавфли гуруҳларда бирламчи гиперпаратиреозни фаол аниқлаш зарурлигини асосланган;

клиник, биокимевий, гормонал, ултратовуш кўрсаткичлари ва бир фотонли эмиссия томографиясини қиёсий баҳолаш орқали ултратовуш

текширувининг паст диагностик қиймати (36% га нисбатан 100%) туфайли бирламчи гиперпаратиреознинг атипик шакллари аниқлаш учун бир фотонли эмиссия томографияси зарурлиги исботланган;

Пасиек сўрвномасининг (PAS) атипик шакллари бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашни кузатишда самарадорлиги исботланиб, бирламчи гиперпаратиреознинг атипик шакллари ривожланиши учун хавф омиллари аниқланган;

даволаш самарадорлигини мониторинг қилишнинг асосий мезонларини аниқлаб (витамин Д нинг оптимал даражаси  $> 50$  нмоль/л), Т-критерияси – 2,5 дан паст бўлганда антирезорбтив терапияни киритиш орқали бирламчи гиперпаратиреознинг атипик ва рецидив шакллари бўлган беморларда остеопорозни даволашни оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

пасейка сўрвномаси хавф гуруҳларида Pасейка бирламчи гиперпаратироидизмни текширишнинг самарали усули эканлиги кўрсатилган;

бирламчи гиперпаратироидизмнинг турли шакллари даволаш учун мавжуд усулларнинг тахлили ўтказилиб, энг самарали жарроҳлик техникаси аниқланган;

операциядан олдинги тайёргарликни ўтказишда индивидуал ёндашув, бирламчи гиперпаратироидизмнинг клиник шакли ва оғирлигига қараб жарроҳлик усули ва хажмини танлаш, кальций ва D3 витамини кўшимчаларини узоқ муддатли (1 йилгача) қўллаш орқали операциядан кейинги асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамияти кўрсатилган;

5 йил давомида мониторинг, умумий ва ионлаштирилган кальций миқдори, вит Д даражаси, паратгормон, beta-cross lab даражаси ва рентгенденситометрия натижаларини таққослаш муҳимлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада клиник материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумий клиник, биокимёвий, гормонал, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида БГПТнинг атипик шакллари ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштиришнинг ўзига ҳослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бирламчи гиперпаратироидизмнинг атипик шакллари бўлган беморларда клиник ва асбобий текширув усулларини тизимлаштиришдан иборат бўлиб, бу кўриб чиқиладиган патологияда ташхисот ва даволашга табақалаштирилган ёндашув тушунчасини шакллантиришга имкон берганлиги, қиёсий текшириш маълумотлари асосида бирламчи гиперпаратироидизмнинг турли шакллари учун мавжуд даволаш усулларини тахлил қилиш амалга оширилганлиги, мукамал жарроҳлик усули техникаси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бирламчи гиперпаратироидизмнинг типик ва атипик шакли бўлган беморлар учун ташхисот ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалий соғлиқни сақлашга тадбиқ этиш учун таклиф қилинганлиги, таклиф этилаётган алгоритмнинг ҳар бир босқичи клиник самарадорлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 8 майдаги 60-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 3 июлдаги № 01-06/767 билан тасдиқланган):

*биринчи илмий янгилик:* бирламчи гиперпаратиреоз билан касалланишнинг башорат қилинганига нисбатан 100 минг аҳолига ҳақиқий паст даражаси (0,18) аниқланган, бу эса юқори хавfli гуруҳларда бирламчи гиперпаратиреозни фаол аниқлаш зарурлигини асосланган, олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ҳамда Жиззах вилоят филиаллари 03.11.2022 йилдаги буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* бирламчи гиперпаратиреоз билан касалланишнинг башорат қилинганига нисбатан 100 минг аҳолига ҳақиқий паст даражаси (0,18) аниқлангани юқори хавfli гуруҳларда бирламчи гиперпаратиреозни фаол аниқлаш зарурлиги асосланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўсимтанинг атипик жойлашувида паратироидектомияни ўз вақтида ва тўғри бажариш билан паратироидектомия қилиш учун зарур бўлган харажат деярли икки баравар камаяди (шифоҳонанинг прејскурантига кўра, 1 нафар бемор учун БФЭКТ диагностикаси билан 10 кун давомида касалхонага ётқизиш билан жарроҳлик даволаш нархи ўртача 23 миллион сўм, БФЭКТ диагностикаси қўлланилмаган беморлар учун – 30 миллион сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ўсманинг атипик жойлашуви бўйича паратироидектомия ўз вақтида ва тўғри ўтказилса, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 7 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* клиник, биокимёвий, гормонал, ултратовуш кўрсаткичлари ва бир фотонли эмиссия томографиясини қиёсий баҳолаш орқали ултратовуш текширувининг паст диагностик қиймати (36% га нисбатан 100%) туфайли бирламчи гиперпаратиреознинг атипик шакллари аниқлаш учун бир фотонли эмиссия томографияси зарурлиги исботланган, олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ҳамда Жиззах вилоят филиаллари 03.11.2022 йилдаги буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* УТТ ёрдамида БГПТ ташхисининг ишончлилиги касалликнинг типик шаклида 75% ва атипик шаклида 36% ни кўрсатди, БФЭКТ усули билан аниқлаш иккала шаклда ҳам 100% га етиш имконини беради. *Илмий*

*янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўсимтанинг атипик жойлашувида паратироидектомияни ўз вақтида ва тўғри бажариш билан паратироидектомия қилиш учун зарур бўлган харажат деярли икки баравар камаяди (шифоҳонанинг прејскурантига кўра, 1 нафар бемор учун БФЭКТ диагностикаси билан 10 кун давомида касалхонага ётқизиш билан жарроҳлик даволаш нархи ўртача 23 миллион сўм, БФЭКТ диагностикаси қўлланилмаган беморлар учун – 30 миллион сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ўсманинг атипик жойлашуви бўйича паратироидектомия ўз вақтида ва тўғри ўтказилса, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 7 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* Пасиек сўровномасининг (PAS) атипик шакллари бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволашни кузатишда самарадорлиги исботланиб, бирламчи гиперпаратиреознинг атипик шакллари ривожланиши учун хавф омиллари аниқланган, олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ҳамда Жиззах вилоят филиаллари 03.11.2022 йилдаги буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* БГПТнинг типик ва атипик шакли билан беморларда клиник белгилар ва шикоятлар, шунингдек, Пасейк сўровномаси кўрсаткичлари ПТЭ ўтказилгандан кейин 3 ойга қадар сезиларли даражада камайди, ПТГ, вит Д3 ва Beta-Cross Laps суяк маркери операциядан кейин 6 ойгача меъёрий чегараларга ишончли равишда яқинлашди, 5 йилдан кейин – шу даражада сақланди ( $p < 0,05$ ), бу касалликни даволашнинг жарроҳлик усулининг юқори самарадорлигини кўрсатганлигидан иборат. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўсимтанинг атипик жойлашувида паратироидектомияни ўз вақтида ва тўғри бажариш билан паратироидектомия қилиш учун зарур бўлган харажат деярли икки баравар камаяди (шифоҳонанинг прејскурантига кўра, 1 нафар бемор учун бир фотонли эмиссион томография (БФЭКТ) диагностикаси билан 10 кун давомида касалхонага ётқизиш билан жарроҳлик даволаш нархи ўртача 23 миллион сўм, БФЭКТ диагностикаси қўлланилмаган беморлар учун – 30 миллион сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ўсманинг атипик жойлашуви бўйича паратироидектомия ўз вақтида ва тўғри ўтказилса, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 7 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* даволаш самарадорлигини мониторинг қилишнинг асосий мезонларини аниқлаб (витамин Д нинг оптимал даражаси  $> 50$  нмоль/л), Т-критерияси – 2,5 дан паст бўлганда антирезорбтив терапияни киритиш орқали бирламчи гиперпаратиреознинг атипик ва рецидив шакллари бўлган беморларда остеопорозни даволашни оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган, олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ҳамда Жиззах вилоят филиаллари 03.11.2022 йилдаги буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* операциядан олдинги тайёргарликни ўтказишда индивидуал ёндашув, БГПТнинг клиник шакли ва оғирлигига қараб операция усули ва ҳажмини танлаш, калций ва Д3 витамини препаратларини

5 йил давомида йиллик мониторинг билан қўллаш, қондаги умумий ва ионланган калций, витД3, ПТГ, Beta-Cross Laps ва рентгенденситометрия натижаларини таққослаш операциядан кейинги (1 йилгача) асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўсимтанинг атипик жойлашувида паратироидектомияни ўз вақтида ва тўғри бажариш билан паратироидектомия қилиш учун зарур бўлган харажат деярли икки баравар камаяди (шифоҳонанинг прејскурантига кўра, 1 нафар бемор учун БФЭКТ диагностикаси билан 10 кун давомида касалхонага ётқиши билан жарроҳлик даволаш нархи ўртача 23 миллион сўм, БФЭКТ диагностикаси қўлланилмаган беморлар учун – 30 миллион сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ўсманинг атипик жойлашуви бўйича паратироидектомия ўз вақтида ва тўғри ўтказилса, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 7 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади ва вазифалари асосланган, диссертациянинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва уларни тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида – “Адабиётлар шарҳи” гиперпаратиреознинг типик ва атипик шакллари сабаблари, касалликни ташхислаш усуллари, бирламчи гиперпаратиреозни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммолари, шунингдек БГПТнинг атипик шакллари ташхислаш ва даволаш усулларининг мунозарали масалалари батафсил ёритилган. БГПТ бўйича замонавий консенсус маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида – “**Тадқиқот материаллари ва усуллари**” текширилган беморларга ва ишлатилган тадқиқот усуллари батафсил тавсиф берилган. Иш Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази

(РИЭИАТМ) жарроҳлик бўлимида бажарилди, 2005-2022 йиллар давомида стационар даволанган бирламчи гиперпаратироидизм ташхиси қўйилган 225 беморни ўрганиш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган, беморларнинг ўртача ёши 44,02±0,8 ёш оралиғида бўлган.

1-расмда тадқиқот дизайни тақдим этилган. Расмдан кўриниб турибдики, жами 225 киши текширилган, беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

\* 1-гуруҳ-одатдаги шаклга эга беморлар, n =169

1 кичик гуруҳ-суяк шакли, n =54

2 кичик гуруҳ – буйрак шакли, n =37


3 кичик гуруҳ - аралаш шакл, n =78

\* 2-гуруҳ-атипик шаклга эга беморлар, n =56

1 кичик гуруҳ-юмшоқ шакл, n =27

2 кичик гуруҳ – манифест шакли, n =29

\* Тегишли ўрта ёшдаги 20 нафар соғлом одам таққослаш гуруҳини ташкил этган (10 нафар эркак ва 10 нафар аёл)



1-расм. Тадқиқот дизайни.

БГПТга шубҳа билан муружаат қилган беморлар 2020 йилги Россия Эндокринологлар Ассоциациясининг клиник тавсиялари, 2014 йил ПГПТ халқаро протоколи ва 2016 йил Америка эндокрин жарроҳлик ассоциациясига мувофиқ текширилган.

1-жадвалда беморларнинг жинси ва ёшига қараб тақсимланиши кўрсатилган.

1-жадвал

Беморларнинг жинси ва ёшини тақсимлаш (ЖССТ, 2017 й.)

Жинс / ёш	44 ёшгача	45-59 ёш	60 -74 ёш	75 ёш ва	Жами

				<b>ундан катта</b>	
<b>Эркаклар (%)</b>	29 (%)	10 (%)	3 (%)	-	42 (18.7%)
<b>Аёллар (%)</b>	79 (%)	89 (%)	14 (%)	1 (%)	183 (81.3%)
<b>Жами</b>	108 (48%)	99 (44%)	17 (7.5%)	1 (0.4%)	225 (100%)

Ушбу тадқиқотда суяк метаболизмини баҳолаш учун қуйидаги қон кўрсаткичлари танланди - умумий калций, фосфор, гидроксид фосфатаза, beta cross laps, паратироид гормони, Д3 витамини, шунингдек паратироид ультратовуш текшируви, Тс99m билан қалқон олди беши (ҚОБ) бир фотонли эмиссион компьютер томография (БФЭКТ), рентгенденситометрия.

Паратгормон (ПТГ) қиймати операциядан кейин 5, 10, 15 дақиқа, 2 соат, 1 кун, 6, 12 ой олдин ва барча беморларда узоқ вақт давомида қон плазмасида аниқланган. Қонда калцийнинг қиймати барча беморларда операциядан 1 кун олдин ва кейин аниқланган.

Рентген денситометрия барча беморларга операциядан олдин ва паратиреоидэктомия (ПТЭ) дан 3,6,12 ой ва 5 йил ўтгач динамикада ўтказилган.

Статистик таҳлил. Олинган маълумотлар Microsoft Excel ва STATISTICA-6 компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Миқдорий кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги ( $n > 12$ ) боғлиқ бўлмаган диапазонлар учун Вилкоксона усули билан аниқланган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланган  $p \leq 0,05$ , корреляцион таҳлил Спирменнинг параметрик бўлмаган даражадаги корреляция усули ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг 3-боби **“Оддий ва атипик гиперпаратирозизм. Этиологик, клиник ва инструментал жиҳатлар”** 2 қисмдан иборат.

3-бобнинг биринчи қисмида “БГПТнинг типик ва атипик шакллари клиник ва лаборатор намоиши” кўриб чиқилган. Биз 2012-2021 йиллар давомида ЎЗР вилоят эндокринологик диспансерларида рўйхатга олинган БГПТ билан оғриган беморлар сонининг ошиш динамикасини ўрганиб чиқдик, рўйхатга олинган беморлар сони беморларнинг ҳақиқий сонини акс эттирмаслиги аниқланди.

Кейинчалик, ЎЗР бўйича БГПТ билан касалланган беморларнинг тахминий сонини ўрганиб чиқилган. Муаллифларнинг фикрига кўра, ПГПТ асосан симптомсиз тарзда намоён бўлади. Сўнги 40 йил ичида буйрак тошлари ва скелет кўринишларининг тарқалиши сезиларли даражада камайди. Осиё-Америка аҳолисида касалланиш аёлларда 100 000 га 52 та, эркакларда эса 100 000га 28 та ҳолатни ташкил этди. Лотин Америкаси аҳолиси орасида касалланиш аёлларда 100 000 га 49, эркакларда 100 000 га 17 ни ташкил этди. Ушбу маълумотларга асосланиб, биз Осиё тадқиқотчиларининг ўртача маълумотлар олинган - 40:100,000 аҳоли ва ҳисоб-китоблар амалга оширилган.

Бизнинг маълумотларга кўра, 01.01.2021 йилда ЎзР бўйича БГПТ билан касалланган беморларнинг аниқланган сони атиги 64 беморни ташкил этган, ўша пайтда беморларнинг башорат қилинган сони 17 100 кишига етган, бу рўйхатга олинган беморлардан 267 барабар кўп. БГПТ билан оғриган аниқ 17 000 бемор юқори ногиронлик ва ўлимга олиб келадиган дахшатли асоратлар ва шароитларнинг ривожланиш хавфи остида. Касаллик даражаси, муаллифларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда 100 минг аҳолига 0,18 ни ташкил қилади ва башоратларга кўра, 100 минг аҳолига 48,99 га тўғри келиши керак. Бундай эпидемиологик вазият мутахассислар учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, чунки ҳар йили янги аниқланган 17 100 ҳолатдан 4/5 қисми (16 900 бемор) ногирон бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ жарроҳлик бўлимига қабул қилинган беморларнинг аксарияти - 225 беморнинг 152 нафари (67,5%) - ўртача оғирлик, 48 нафари (21,2% 3 қоникарли ва фақат 25 нафари (11,1%) оғир деб баҳоланган.

Кейинчалик, биз гуруҳлардаги беморларнинг шикоятларининг хусусиятларини ўрганиб чиқдик. Шундай қилиб, 1-гуруҳдаги беморларда суяк синиши каби БГПТга хос шикоятлар бўлган - 169 та ҳолатдан 57 таси (33,7%), тишларнинг бўшашиши ва йўқолиши - 40 (23,7%), “ўрдак юриши” - 38 та ҳолат (22,5%), ўсишнинг пасайиши – 22 (13%), буйрак тошлари 9 (5,3%).

Бундан ташқари, 2 – гуруҳдаги беморларда суяк синиши каби шикоятлар қайд этилган - 56 та ҳолатдан 29 таси (51,8%), тишларнинг бўшашиши ва йўқолиши-24 (2,8%), “ўрдак юриши” - 20 та ҳолат (35,7%), ўсишнинг пасайиши - 14 (25%), буйрак тошлари – 9 (16%).

Муаллиф мавжуд симптомларни яхшироқ баҳолаш учун операциядан олдинги ва кейинги даврда PAS халқаро сўровномасидан фойдаланган ва олинган ўртача баллар 2 та асосий гуруҳ ва назорат бўйича ўзаро таққосланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 1 ва 2-гуруҳ беморларида PAS сўровномаси баҳолаш жадвали (ўртача баллар)

Симптом номланиши	1 гуруҳ n =169	2 гуруҳ n = 56	Назорат n = 20	p1	p2
Суякларда оғриқлар	99,4 ± 8,8	59,6 ± 7,1	2,3 ± 0,2	<0,0001	<0,005
Тез чарчаш	98,2 ± 8,2	66,7 ± 6,9	8,2 ± 1,3	<0,0001	<0,005
Кайфиятнинг нотурғунлиги	96,3 ± 7,3	57,8 ± 6,8	5,3 ± 0,3	<0,0001	<0,005
Депрессия	95,4 ± 8,2	33,5 ± 6,6	4,5 ± 0,6	<0,0001	<0,005
Қоринда оғриқлар	97,6 ± 8,4	28,4 ± 5,2	6,7 ± 0,5	<0,0001	<0,005
Ҳолсизлик	91,8 ± 6,8	26,2 ± 7,3	3,8 ± 0,8	<0,0001	<0,005
асабийлашиш	86,9 ± 8,9	20,2 ± 5,4	3,9 ± 0,5	<0,0001	<0,005
Бўғимларда оғриқлар	97,4 ± 8,8	18,8 ± 5,3	2,8 ± 0,7	<0,0001	<0,005

Унутувчанлик	94,5 ± 7,4	18,8 ± 8,3	5,9 ± 0,8	<0,0001	<0,005
Ўтирган жойдан туришда қийналиш	97,9 ± 9,3	16,4 ± 5,6	2,8 ± 0,6	<0,0001	<0,005
Бош оғриқлар	92,8 ± 10,8	11,9 ± 3,5	3,7 ± 0,2	<0,0001	<0,005
Тери қичиши	49,9 ± 7,3	10,8 ± 4,4	1,5 ± 0,8	<0,0001	<0,005
Чанқаш	75,9 ± 8,4	8,3 ± 2,3	3,6 ± 0,4	<0,0001	<0,005

Изоҳ: р-фарқларнинг ишончилиги, бу ерда р1-1-гуруҳ ва назорат ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, р 2-2-гуруҳ ва назорат ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

2-жадвалдан кўришиб турибдики, операциядан олдин PAS сўровномасида турли хил аломатларнинг интенсивлиги назорат билан таққослаганда иккала гуруҳда ҳам ишончли тарзда юқори бўлган, аммо 1-гуруҳ беморларида сезиларли даражада юқорилиги кузатилган.

Орасида коморбид касалликлар 2 – гуруҳ беморларида кузатилган - артериал гипертензия синдроми - 18 та кузатув (32,1%), ошқозон яраси ва 12 бармоқли ичак – 21 (7,5%).

7,1% ҳолларда ирсий анамнезнинг мавжудлиги, 12,4% травматик мия шикастланиши, 20,4% стресс ва 20,4% нейроинфекциялар мавжуд эди.

1 ёшдан 5 ёшгача бўлган динамикада, 5 йилдан ортиқ вақт давомида беморларнинг кўп қисми кузатилган. Шу билан бирга, дастлабки 2 йил ичида барча кичик гуруҳларда кузатув ва текширув остида бўлган беморларнинг энг кўп сони кузатилган.

Беморларнинг умумий хусусиятлари 3-жадвалда келтирилган. 3-жадвалдан кўришиб турибдики, операциядан олдинги даврда иккала гуруҳдаги беморларда биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги мавжуд еди. Шундай қилиб, иккала гуруҳдаги беморларда ПТГ даражаси сезиларли даражада ошди, 1 гуруҳда кўпроқ ( $p < 0,0001$ ,  $p < 0,005$ ). Вит Дз нинг ўртача кўрсаткичлари иккала гуруҳда ҳам паст еди ( $p < 0,05$ ,  $p < 0,05$ ).

### 3-жадвал

#### Операциядан олдин БГПТнинг типик ва атипик шакллари бўлган беморларнинг умумий гормонал-биокимёвий хусусиятлари

Кўрсаткич	1 гуруҳ n = 169	2 гуруҳ n = 56	Назорат n = 20	p1	p2
ПБГПТни даволаш пайтидаги ёш, йиллар (n=225)	44,7 ± 3,4	43,9 ± 4,5	42,3 ± 3,5	>0,05	>0,05
ПТГ, пг/мл (n=225)	946,89 ± 123,9	928,24 ± 55,7	35,7 ± 2,1	<0,0001	<0,0001
Умумий кальций, ммоль/л (n=225)	2,708 ± 0,048	2,708 ± 0,05	2,2 ± 0,5	>0,05	>0,05

25(OH)-D, пг/мл (n=166)	12,6 ± 3,3	17,8 ± 4,2	36,2 ± 8,5	<0,05	<0,05
Beta-Cross Laps, нг/мл(n=166)	3,25 ± 0,6	4,84 ± 0,4	0,512 ± 0,07	<0,005	<0,005
Фосфор, ммоль/л (n=225)	1,05 ± 0,2	0,91 ± 0,09	1,23 ± 0,6	>0,05	>0,05
Ишқорий фосфатаза, мкм /л (n=225)	1513.8±213.7	1626,7 ± 111,3	67.5±9.4	<0,05	< 0,05
Қондаги креатинин (n=225) (мкмоль/л)	69,8± 7,56	77,43± 8,89	71,12±4,18	>0,05	>0,05
Ca <sup>++</sup> мМоль/л (n=225)	1.35±0.4	1.42±0.3	0.91±0.02	<0,005	<0,005

Изох: р-фарқларнинг ишончилиги, бу ерда P1-1-гурӯх ва назорат ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, p2-2-гурӯх ва назорат ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги

Қон биокимёвий кўрсаткичлари бўйича ишқорий фосфатаза, умумий калций, Ca<sup>++</sup> даражаси беморларнинг иккала гурӯҳида ҳам сезиларли даражада юқори еди (p <0,05, p <0,05).

Шуни таъкидлаш керакки, Beta-Cross Laps суяк маркерининг ўртача қиймати беморларнинг 1 ва 2-гурӯҳларида (p <0,05, p <0,05) ҳам ишончли даражада юқори бўлган.

Кейинчалик, беморларнинг гормонал-биокимёвий хусусиятларини кичик гурӯҳларга қараб ўрганиб чиқилган. Гормонал-биокимёвий ҳолатни ўрганишда кичик гурӯҳларда алоҳида фарқлар кузатилмаган. Шу билан бирга, ПТГ, Beta-Cross Laps ва ишқорий фосфатаза (ИФ) даражаси барча кичик гурӯҳларга нисбатан 1-гурӯҳнинг 1-кичик гурӯҳидаги беморларда анча юқори эди.

Ва ниҳоят, биз касалликнинг типик ва атипик шаклларида ПТГ, Са ва касаллик белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисоблаб чиқдик (4, 5-жадваллар).

#### 4-жадвал

##### Типик кечишда симптомлар ва Са, ПТГ корреляцияси

Симптомлар	Са		ПТГ	
	r	p	r	p
Полидипсия	0,293	0,012	<b>0,516*</b>	<b>0,0001</b>
Ўрдаксимон юриш	0,286	0,015	<b>0,5*</b>	<b>0,0001</b>
оғриқлар	0,24	0,042	<b>0,442*</b>	<b>0,0001</b>
Переломы	0,112	0,34	0,264	0,028
ЎТ тош касалиги/Нефролитиаз	<b>0,356*</b>	<b>0,002</b>	0,199	0,101
Қабзият	0,2	0,091	0,14	0,251
Яра касалиги	-0,102	0,394	-0,102	0,404

Неврологик бузилишлар	0,154	0,195	0,177	0,147
-----------------------	-------	-------	-------	-------

5-жадвал

**Атипик кечишда симптомлар ва Са, ПТГ корреляцияси**

Симптомлар	Са		ПТГ	
	r	p	r	p
Полидипсия	0,016	0,931	0,095	0,611
Ўрдаксимон юриш	0,033	0,857	0,2	0,281
оғриқлар	0,066	0,719	<b>0,457*</b>	<b>0,049</b>
Переломы	0,028	0,879	0,134	0,474
Ўт тош касаллиги/Нефролитиаз	0,051	0,781	0,04	0,83
Қабзият	0,176	0,336	0,336	0,065
Яра касаллиги	-0,246	0,174	-0,018	0,922
Неврологик бузилишлар	-0,12	0,513	<b>0,406*</b>	<b>0,023</b>

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқадики, энг ишончли корреляция 1-гурухдаги беморларда Са даражаси ва ўт тош касаллиги/нефролитиаз, шунингдек ПТГ даражаси ва полидипсия, ўрдак юриши ва оғриқ ўртасида кузатилган.

5-жадвалдан кўришиб турибдики, энг ишончли корреляция 2-гурухдаги беморларда ПТГ даражаси ва оғриқ, шунингдек неврологик касалликлар ўртасида кузатилган.

Кейинчалик, 3-бобнинг иккинчи қисмида “БГПТнинг типик ва атипик шакллари асбобий хусусиятлари” берилган.

БГПТ ташхисотининг одатий усуллари орасида қалқон олди безларининг (ҚОБ) ультратовуш текшируви муҳим ўрин тутди. Ультратовуш текширувида 225 та ҳолатдан 148 тасида (65,7%) ҚОБ аденомасини аниқлашга имкон берди, бу беморларнинг маълум бир қисмида ҚОБда гиперпластик ўзгаришлар бўлганлигини ва 2 – гурухда 16 беморда бир нечта ҚОБ аденомалари, шунингдек 20 беморда атипик ҚОБ жойлашуви мавжудлигини аниқлаб берди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ҚОБ сцинтиграфияси натижаларини ўрганиш бўлган (6, 7-жадваллар)

6-жадвал

**1-гурухдаги беморларда ҚОБ БФЭКТ натижалари**

N=169	БГПТ	ПГПТ йўқ	жами
аниқланди	169 (100%)	-	169 (100%)
аниқланмади	-	-	-
жами	169	-	169

7-жадвал

## 2-гурухдаги беморларда ҚОБ БФЭКТ натижалари

<b>N=56</b>	<b>БГПТ</b>	<b>ПГПТ йўқ</b>	<b>жами</b>
<b>аниқланди</b>	56 (100%)	-	56 (100%)
<b>аниқланмади</b>	-	-	-
<b>жами</b>	56	-	56

6- ва 7-жадваллар шундан келиб чиқадики, БФЭКТ усули 225 ҳолатдан 225 нафарда (100%) ҚОБ аденомасини аниқлашга имкон берди, бу ушбу усулнинг юқори ташисий имкониятларини кўрсатган.

Бундан ташқари, тадқиқотда аденомаларнинг жойлашуви ва БГПТда уларнинг сони таҳлил қилинган. Кўпгина ҳолларда (87,5%) БГПТда тақдим этилган материалда якка аденомалар аниқланган (n=197).

169 (75,1%) беморда БГПТда якка аденомаларнинг ҚОБ қалинлигида одатий жойлашуви қайд этилган. ҚОБ кўп сонли гиперплазияси 20 кузатувда аниқланган (8,8%). Беморларнинг 22 (9,8%) нафарда аденомалар ҚОБ нинг ретростернал жойлашиши ва 6 (2,7%) ҳолатда айрисимон безнинг қалин қисмида (атипик жойлашуви) якка аденомалар ва 4 ҳолатда (1,7%) ҚОБ саратони аниқланган.

Операциядан кейинги материал гистологик текширувдан ўтказилган (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### Гуруҳлар бўйича гистологик материалнинг тавсифи, abs (%)

<b>Хулоса</b>	<b>1 гуруҳ n =169</b>	<b>2 гуруҳ n = 56</b>	<b>Жами n = 225</b>
ҚОБ аденомаси	150 (88,7%)	46 (82,1%)	196 (87,1%)
ҚОБ аденомаси+ҚОБ папилляр саратони	3(1,7%)	1 (1,7%)	4 (1,7%)
ҚОБ ёрқин хужайрали аденомаси	6 (3,5%)	6 (10,7%)	12 (5,4%)
ҚОБнинг киста ҳосил қилувчи аденомаси	3 (1,7%)	1 (1,7%)	4 (1,7%)
ҚОБнинг малигнизацияланувчи аденомаси	5 (2,9%)	1(1,7%)	6 (2,6%)
ҚОБ гигант аденомаси	2 (0,8%)	1(1,7%)	3 (1,3%)
<b>Жами</b>	<b>169</b>	<b>56</b>	<b>225</b>

8-жадвалдан кўришиб турибдики, кўп ҳолларда – 196 ҳолатда ҚОБ аденомаси (87,1%) аниқланган, 2 - ўринда - 12 та ҳолатда ҚОБ ёрқин хужайрали аденомаси (5,4%), 3 - ўринда - 6 та ҳолатда ҚОБнинг малигнизацияланувчи аденомаси (2,6%) аниқланган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи тадқиқот гуруҳларидаги минерал зичликни баҳолаш эди (9-10-жадваллар).

**Операциядан олдин типик шаклдаги БГПТ билан оғриган беморларда  
суяк минерал зичлиги (СМЗ) кўрсаткичлари**

Текшириш соҳаси		Т мезон	Z мезон	L1-L4 СМЗ г/см2	Сон СМЗ г/см2
МГ/ММ <sup>3</sup>	L1-L4	-2,4±0,4 *	-2,3±0,1 *	0,8±0,04 **	0,9±0,07**
	Сон	-2,6±0,6 *	-2,4±0,4 *		

Изох: \* p<0,05 \*\* p < 0,001 назорат гуруҳига нисбатан ишонччилик. СМЗ – суяк минерал зичлиги

9-жадвалдан кўришиб турибдики, 1-гуруҳда умуртқа поғонаси L1-L4 ва сон соҳаси учун Т ва Z мезонларининг ўртача қийматлари меъёрдан сезиларли даражада фарқ қилган (p<0,05), L1-L4 СМЗ ва сон СМЗларининг ўртача қиймати ҳам сезиларли даражада пасайган (p<0,001).

## 10-жадвал

**Операциядан олдин атипик шаклдаги БГПТ билан оғриган беморларда  
СМЗ кўрсаткичлари**

Текшириш соҳаси		Т мезон	Z мезон	L1-L4 СМЗ г/см2	Сон СМЗ г/см2
МГ/ММ <sup>3</sup>	L1-L4	-3,7±0,9 *	-3,4±0,6 *	0,6±0,07**	0,6±0,03**
	Сон	-3,4±0,8 *	-2,9±0,8 *		

Изох: \* p<0,05 \*\* p < 0,001 назорат гуруҳига нисбатан ишонччилик. СМЗ – суяк минерал зичлиги

10-жадвалдан кўришиб турибдики, 2-гуруҳда умуртқа поғонаси L1-L4 ва сондаги Т ва Z мезонлар ўртача қийматлар даражаси нормадан ишончли тарзда фарқ қилган (p<0,05), шунингдек, L1-L4 ва сон СМЗ сезиларли даражада пасайган (p<0,001).

Шу билан бирга, L1-L4 ва сон Т ва Z мезонларининг қийматлари беморларнинг 2-гуруҳида сезиларли даражада паст эди (p<0,05). Шундай қилиб, агар 1-гуруҳдаги L1-L4 Т мезони -2,4±0,4 оралиғида бўлса, 2-гуруҳда -3,7±0,9 бўлди. 1-гуруҳдаги сон Т мезони -2,6±0,6, иккинчисида -3,4±0,8 эди. 1-гуруҳдаги L1-L4 Z мезонининг қиймати -2,3±0,1, иккинчисида -3,4±0,6 эди. 1-гуруҳдаги сон Z мезони қиймати -2,4±0,4, иккинчисида -2,9±0,8 бўлган.

Шундай қилиб, денситометрия маълумотларига кўра суяк касалликлари сезиларли даражада намоён бўлди ва беморларнинг 2 гуруҳида устунлик қилди.

Шундай қилиб, биз олиб борган тадқиқотлар асосида БГПТнинг атипик шакли ёрқинроқ клиник кўриниш билан тавсифланади, деган хулосага келинди, одатдаги шаклга эга беморларда эса симптомсиз кечиш деярли 2 барабар кўпроқ эканлиги қайд этилган. ПТГ концентрациясининг полидипсия, ўрдак юриши ва бўғимлардаги оғриқлар билан сезиларли даражада ишончли корреляцияси БГПТнинг типик шакли бўлган беморларда қайд этилган, бу

мойиллик эса БГПТнинг атипик шакли бўлган беморларда қайд этилмаган. Тадқиқотда ПТГнинг юқори концентрацияси, меъёр билан таққослаганда, БГПТ билан оғриган беморларнинг 89 фоизида аниқланган. Айнан ПТГ, Са<sup>++</sup>, сийдикдаги Са кўп жиҳатдан қиёсий ташхисот мезонлари бўлиб хизмат қилди ва ППТ ташхисини қўйишга асос бўлди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“БГПТнинг типик ва атипик шакллари жарроҳлик йўли билан даволашнинг яқин ва узок натижалари”** 3 кичик бобдан иборат.

Биринчи кичик бобда “Яқин ва узок вақт ичида БГПТнинг типик ва атипик шакллари жарроҳлик даволашнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи” берилган.

Тадқиқотнинг юқоридаги мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, БГПТ билан касалланган 225 беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шу билан бирга, 169 ҳолатда касалликнинг типик шакли (1 – гуруҳ) ва 56 ҳолатда атипик шакли (2-гуруҳ) аниқланади. Барча беморлар операциядан 3, 6, 12 ой ва 5 йил ўтгач, битта схема бўйича текширилди.

Операциядан олдин PAS сўровномасида турли хил белгиларнинг намоён бўлиши назорат гуруҳига нисбатан анча юқори, аммо 1-гуруҳ беморларида сезиларли даражада юқори бўлган. Операциядан кейинги турли вақтларда (яқин ва узок) симптомлар интенсивлигининг сезиларли даражада пасайиши ва 12 ойдан кейин нормал ҳолатга яқинлашиши аниқланди. 5 йилдан кейин доимий самара ўрнатилди.

Шундай қилиб, операциядан 3, 6, 12 ой ва 5 йил ўтгач, кузатув динамикасида 1-гуруҳ беморларида БГПТга хос бўлган суяк синиши, тишларнинг бўшашиши ва йўқолиши, “ўрдак юриши”, ўсишнинг пасайиши, патологик ёриқлар ва бошқалар каби шикоятлар сезиларли даражада камайди ( $p < 0,05$ ).

Операциядан 3, 6, 12 ой ва 5 йил ўтгач, кузатув динамикасидаги 2-гуруҳ беморларида, шунингдек, БГПТ учун хос бўлган шикоятларнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилди, масалан, суяк синиши, тишларнинг бўшашиши ва тушиши, «ўрдак юриш», ўсишнинг пасайиши, патологик ёриқлар ва бошқалар ( $p < 0,05$ ).

Ишининг кейинги босқичи динамикада биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ўзгаришини ўрганиш эди.

Маълумки, паратироидектомиянинг самарадорлиги операциядан кейинги биринчи кунда аниқланади. Клиник белгиларга (Хвостек, Труссонинг ижобий белгилари, суяк оғриғининг пасайиши, буйрак санчиғининг хуружлари 2-6 мм майда тошларнинг чиқиши билан) қўшимча равишда биокимёвий кўрсаткичлардан қон зардобиди Са ва Са<sup>++</sup> миқдори операциянинг муваффақиятини объектив акс эттирди. Иккала гуруҳда ҳам операциядан олдинги даражадаги пасайиш тадқиқотда ишончли эди.

